

ВОХИДОВА Меҳри Хасановна,
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия
университети докторанти

НАВОИЙ ВИЛОЯТИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖЛАНИШИ ҲОЛАТИНИНГ ТАҲЛИЛИ

УДК 338.49 (334.012.32)

ВОХИДОВА М.Х. НАВОИЙ ВИЛОЯТИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖЛАНИШИ ҲОЛАТИНИНГ ТАҲЛИЛИ

Мақолада Навоий вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳолати таҳлил қилинган: ялпи ҳудудий маҳсулотда, вилоят ташқи савдосида хусусий тадбиркорликнинг улуши ўрганилган. Мақолада вилоятда хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Таянч иборалар: Навоий вилояти, тадбиркорлик, экспорт, кичик бизнесда банд бўлганлар сони, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг саноатдаги улуши.

ВОХИДОВА М.Х. ОЦЕНКА РАЗВИТИЯ МАЛОГО БИЗНЕСА И ЧАСТНОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА В НАВОИЙСКОЙ ОБЛАСТИ

В статье рассматривается состояние малого бизнеса и частного предпринимательства в Навоийской области: доля частного предпринимательства в валовом региональном продукте и доля частного предпринимательства в внешней торговле региона. Дано некоторые предложения и рекомендации по развитию предпринимательства в регионе.

Ключевые слова: Навоийский регион, предпринимательство, экспорт, малый бизнес, доля малого бизнеса и частного предпринимательства в промышленности.

VOKHIDOVA M.X. EVALUATION OF SMALL BUSINESS AND PRIVATE ENTREPRENEURSHIP DEVELOPMENT IN NAVOI REGION

There is analyzed in the article the status of small business and private entrepreneurship in Navoi region: the share of entrepreneurship in gross regional product and the share of entrepreneurship in the region's foreign trade. There are given some suggestions and recommendations for entrepreneurship development in the region.

Keywords: Navoi region, entrepreneurship, exports, small business, the share of small businesses and private entrepreneurship in industry.

Навоий вилояти илк ташкил этилган даврданоқ мамлакатнинг йирик ишлаб чиқариш кучлари жойлашган ҳудуд бўлган. 2008 йилда Президент Фармонига мувофиқ Навоий вилоятида мамлакатимизда биринчи «Навоий эркин индустриал-иқтисодий ҳудуди»нинг ташкил этилиши вилоят саноат салоҳиятининг ошишида муҳим қадам бўлди.

Жумладан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси¹нинг «Иқтисодий янада ривожлантириш ва либераллаштириш» деб номланган учинчи йўналишида кўрсатилган чора-тадбирларни рўёбга чиқариш учун миллий валюта ва нархлар барқарорлигини таъминлаш, валютани тартибга солишнинг замонавий бозор механизмларини босқичма-босқич жорий этиш, маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини, ташқи иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, экспортга мўлжалланган маҳсулот ва материаллар ишлаб чиқариш учун замонавий технологияларни жорий этиш, транспорт-логистика инфратузилмаси, тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда хорижий инвесторлар учун инвестициявий жозибадорликни оширишни жадал ривожлантириш назарда тутилган мақсадларга ҳамоҳанг тарзда жуда кўп ишлар амалга оширилмоқда.

Вилоятнинг мамлакат оғир саноатидаги улуши катта. Шу билан бир қаторда «Навоий» ЭИИХнинг ташкил этилиши вилоятда тадбиркорликнинг бошқа кўринишларини ҳам ривожлантириш имконини берди.

Савдо-саноат палатаси Ҳудудий бошқарма ва бошқарма ҳузуридаги Марказлар томонидан тадбиркорлик субъектларига 1075 та консалтинг, таъсис ҳужжатлари тайёрлаш, консалтинг хизматлари, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботни ташкил этишда кўмаклашиш, бизнес режалар ишлаб бериш, ахборот-маслаҳат хизматлари, юридик ва бошқа турдаги хизматлар кўрсатилди.

Навоий вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан 2016 йил Савдо-саноат палатасига

аъзо бўлган тадбиркорлик субъектлари сони 2000 тадан ошди. Ўзбекистон Савдо-саноат палатасида умумий тизим жорий этилган бўлиб, ҳудудий бошқармалар аъзоликка жалб этилган тадбиркорлик субъектлари аъзолик шартномаси тўғридан-тўғри Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан амалга оширилади.


Ҳудудда саноат тармоқлари ривожланганлигига қарамадан, унинг таркибида **кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши катта эмаслиги ушбу илмий излашимиз натижасида ечим топиши лозим бўлган муаммодир.**

Жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг саноат, инвестициялар, қишлоқ хўжалиги, автомобиль транспортидаги юк айланмаси, товар ва хизматлар экспорти ва импортида улушининг ўртача қиймати диаграмма орқали ҳисобланганда юқори кўрсаткичлар Тошкент шаҳри, Наманган, Жиззах ва Самарқанд вилоятларида кузатилди. Энг кам улуш Навоий вилоятига тўғри келди.

Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида республика ҳудудлари бўйича Навоий вилояти саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидан кейинги ўринни эгаллаган: 2016 йилда вилоятда 10657,9 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

Ҳудудлар бўйича фаолият кўрсатаётган юридик шахслар сони 2015 йилда 2013 йилга нисбатан 9,5%га ошганини кўришимиз мумкин. Жумладан, энг яхши кўрсаткичларга Тошкент шаҳрида эришилган. Навоий вилоятида йирик корхоналар асосий улушни эгаллашни ҳисобга олганда ҳам кичик бизнес ўсаётганини кўришимиз мумкин. Аммо вило-

¹ http://egovernment.uz/uz/press_center/news

1-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг вилоятлар тармоқларидаги ўртача улуши¹1-жадвал. Ҳудудлар бўйича саноат маҳсулоти ҳажми рейтинги (амалдаги нархлар, миллиард сўм)²

№	Ҳудудлар	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016
	Республика бўйича жами	70 634,8	84 011,6	97 598,2	111 869,4
	Ҳудудлар:				
1.	Тошкент шаҳри	15 531,3	15 468,5	18 986,1	23 511,9
2.	Тошкент вилояти	10 418,3	12 474,6	14 401,0	16,864,7
3.	Навоий вилояти	7 087,3	8 238,9	9 286,9	10 657,9

ятлар кесимида вилоятнинг қазилма бойликлари ва инсон салоҳияти, вилоятда эркин индустриал-иқтисодий ҳудуднинг жойлашганини ҳисобга олганда, ўсиш даражаси катта эмас. Вилоятнинг бошқа кўрсаткичларини таҳлил қилсак, 1-жадвалдаги кўрсаткичларни кўрамиз.

2-жадвалда мулкчилик шакли бўйича рўйхатдан ўтган юридик шахсларнинг вилоятлар кесими бўйича сонини кўришимиз мумкин. 2016 йилда 2013 йилга нибатан республика бўйича нодавлат юридик шахслар 109% га ортганини кўришимиз мумкин. Нодавлат юридик шахсларнинг ўсиб бориши

¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари (2012-2015 йиллар)

² Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси маълумотлари (2013-2016 йиллар).

бўйича прогрессив кўрсаткичларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти бўйича кузатамиз. Ушбу кўрсаткич бўйича Навоий вилояти сўнгги ўринларда.


2016 йилда вилоят ҳудудлари бўйича кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯҲМдаги улуши паст дарадажа қолаётган Навоий вилоятида бу кўрсаткич 37,6 фоизни ташкил этган (3-жадвал).

2000 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида банд бўлганлар сони 115,4 минг кишини ташкил этган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 227,5 минг кишини, 2016 йилда эса 254,5 минг кишини ташкил этиб, 2000 йилга нисбатан солиштирганда 139,1 минг кишига ёки 2,1 баробар кўпайганлигини кўриш мумкин (2-расм).

2-жадвал. Худудлар буйича фаолият кўрсатаётган юридик шахслар сони (кичик тадбиркорлик субъектларининг ўзи, фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)¹, дона

№	Худудлар	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016
1	Республика бўйича жами	189 867	196 014	207 104	218 170
	Худудлар:				
2	Қорақалпоғистон Республикаси	8 383	9 327	9 642	10092
3	Андижон вилояти	19 966	20 872	21 982	22229
4	Бухоро вилояти	8 724	9 386	11 141	12123
5	Жиззах вилояти	7 183	7 505	7 881	8482
6	Қашқадарё вилояти	16 087	15 808	14 870	14327
7	Навоий вилояти	6 219	6 309	6 728	6959
8	Наманган вилояти	12 292	13 080	14 094	15122
9	Самарқанд вилояти	12 648	12 860	13 840	14790
10	Сурхондарё вилояти	10 590	9 062	9 061	9914
11	Сирдарё вилояти	6 143	6 403	6 499	7261
12	Тошкент вилояти	17 848	19 009	19 546	20276
13	Фарғона вилояти	16 113	16 920	18 108	18390
14	Хоразм вилояти	9 911	10 393	10 298	10740
15	Тошкент шаҳри	37 760	39 080	43 414	47465

2-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда банд бўлганлар сони², минг киши



2016 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида банд бўлганларнинг 80,9 фоизи (206,0 минг киши) яқка тартибдаги тадбиркорликда, 19,1 фоизи (48,5 минг киши) кичик корхона ва микрофирмаларда меҳнат фаолияти билан банд бўлган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари (2010-2016 йиллар).

² <http://www.navstat.uz/uz/content/kichik-biznes-va-tadbirkorlik>

Кичик бизнеснинг иқтисодиётда банд бўлганлар сонидаги улуши турли хорижий давлатлар кўрсаткичлари билан таққослаганда, Японияда 78,0 фоизни, Италияда 71,0 фоизни, Германияда 69,5 фоизни, Буюк Британияда 56,0 фоизни, АҚШда 54,0 фоизни, Россияда 25,6 фоизни ташкил этганлигини кўриш мумкин (3-расм). Кўришиб турибдики, мамлакатимизда мазкур соҳанинг иқтисодиётда бўлганлар сонидаги улуши ривожланган давлатлар кўрсаткичларидан ҳам юқори

3-жадвал. Мулкчилик шакли бўйича рўйхатдан ўтган юридик шахслар (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)¹, дона

№	Худудлар	2013 й.		2014 й.		2015 й.		2016 й.	
		Давлат	Нодав-лат	Давлат	Нодав-лат	Давлат	Нодав-лат	Давлат	Нодав-лат
1	Республика бўйича жами	39 530	226 867	39 385	234 242	39 082	239 370	38 480	246 829
	Худудлар:								
2	Қорақалпоғистон Республикаси	2 486	10 691	2 465	11 136	2 401	11 195	2 352	11 366
3	Андижон вилояти	3 378	22 175	3 338	23 551	3 318	24 715	3 255	24 464
4	Бухоро вилояти	2 490	12 232	2 420	12 773	2 401	12 925	2 344	13 511
5	Жиззах вилояти	1 835	8 618	1 851	9 033	1 853	9 609	1 839	9 993
6	Қашқадарё вилояти	3 321	20 971	3 325	17 975	3 280	16 373	3 237	15 699
7	Навоий вилояти	1 471	6 994	1 477	7 179	1 470	7 468	1 447	7 631
8	Наманган вилояти	3 061	15 182	3 055	15 836	2 986	16 455	2 954	17 292
9	Самарқанд вилояти	4 464	14 592	4 406	15 566	4 380	15 856	4 327	16 686
10	Сурхондарё вилояти	2 938	11 299	2 937	11 893	2 901	10 783	2 824	11 115
11	Сирдарё вилояти	1 472	7 229	1 437	7 549	1 422	7 805	1 327	8 494
12	Тошкент вилояти	3 648	21 377	3 682	23 105	3 680	24 462	3 621	25 333
13	Фарғона вилояти	3 908	19 261	3 901	19 234	3 879	20 010	3 847	19 977
14	Хоразм вилояти	2 161	10 908	2 209	11 304	2 247	11 264	2 241	11 626
15	Тошкент шаҳри	2 897	45 338	2 882	48 108	2 864	50 450	2 865	53 642

даражага етган. Бу мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича аниқ, манзилли чоралар кўриляётганидан далолатдир.

Саноатда кичик бизнес субъектларининг юқори суръатларда ўсиши, қулай ишбилармонлик муҳитининг яратилиши, ягона солиқ тўлови ставкаларининг пасайтирилиши, ресурслардан ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларидан фойдаланишга рухсат бериш шартларининг соддалаштирилиши ҳамда кичик бизнес субъектларини йирик компаниялар билан кооперация алоқаларининг кучайиши натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши 2000 йилдаги 2,9 фоиздан 2016 йилда 20,8 фоизга ёки 17,9 фоиз бирликка сезиларли даражада ўсди (4-расм).

Вилоятда 2016 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан 594,9 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари

ишлаб чиқарилган (жами саноат маҳсулотларининг 20,8 фоизи) ёки 2015 йилга нисбатан 1,4 фоизга ўсган.

Сўнги йилларда саноатнинг асосий тармоқларида, айниқса, озиқ-овқат саноати, енгил саноат, қурилиш материаллари саноати, машинасозлик ва металлга ишлов бериш саноати, кимё ва нефть-кимё саноати ҳамда фармацевтика саноатида фаолият юритиб келаётган кичик бизнес субъектлари сонининг ошиб бораётганлиги ва улар томонидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг юқори ўсиш суръатлари қайд этилаётганлиги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг саноатдаги улушини барқарор равишда ошиб боришини таъминлашда асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилмоқда.


Статистик кўрсаткичлар динамикаси шуни кўрсатмоқдаки, вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳамияти йил сайин ошиб бормоқда. Мазкур соҳалардаги ижобий тенденцияларга бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодий эркинлаштириш,

¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари (2010-2015 йиллар).


4-жадвал. Вилоят бўйича кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯХМдаги улуши¹, фоизда

	2000 й.	2005 й.	2010 й.	2015 й.	2016 й.	2000-2016 йиллардаги ўзгариш (+,-)
Навоий вилояти	21,5	18,5	34,4	37,1	37,6	16,1

3-расм. Дунёнинг турли давлатларида кичик бизнеснинг иқтисодиётда банд бўлганларнинг умумий сонига улуши², фоизда.



4-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг sanoatдаги улуши³, фоизда



¹ <http://www.navstat.uz/uz/news/region>

² <http://www.navstat.uz/uz/content/kichik-biznes-va-tadbirkorlik>

³ <http://www.navstat.uz/uz/content/kichik-biznes-va-tadbirkorlik>

ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, рақобат муҳитини ривожлантириш ва хусусий мулкни ҳимоя қилишга оид тизимли комплекс чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ҳисобига эришилмоқда. Қуйидагиларни амалга ошириш вилоятда тадбиркорликнинг ривожланишида муҳим омил бўлиши мумкин:

- энг аввало, вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг давлат буюртмаси (вилоятда жойлашган йирик ишлаб чиқариш кучлари) асосида ишлашни йўлга қўйиш, яъни кичик ва йирик бизнеснинг кооперациясини ривожлантириш (вилоятда йирик оғир саноат корхоналари сонини ҳисобга олган ҳолда) зарур деб, ҳисоблаймиз. Бу **кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик-**

нинг экспортдаги улуши ошиши ва саноатнинг йирик тармоқларида ишлаб чиқарилган маҳсулотда **кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик** улушининг ортишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади;

- мамлакат иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда банд бўлган аҳоли сонини ошириш, ишсизлик даражасини қисқартиришда муҳим омил бўлса ҳам, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улушини кўпайтириш кичик бизнеснинг ЯИМ-даги самарадорлигининг ошишида муҳим дастак вазифасини бажаради.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.
2. http://egovernment.uz/uz/press_center/news
3. <http://www.navstat.uz/uz/content/kichik-biznes-va-tadbirkorlik>